



Ширин ШУКУРОВА

Бахт
манзилинг
қаерда?

Мен сен
томон
боряман

БАХТ МАНЗИЛЛАРИ

Ширин ШУКУРОВА

БАХТ МАНЗИЛЛАРИ

Тошкент
«Мухаррир нашриёти»
2012

УДК: 821
КБК 84(5Ў)7
Ш 79

Шукурова, Ширин.

Ш 79 Бахт манзиллари: шеърлар / Ширин Шукурова. –
Тошкент: «Мухаррир нашриёти», 2012, 40 б.

ISBN 978-9943-25-123-5

Шириннинг шеърларида дунёни кенг мушоҳада этиш, атрофидаги воқеаларга тийран нигоҳ билан боқиш, қабих ишларга қалб исёнини алангалатиш, эзгуликларни олқишлаш каби ҳиссиётлар бор.

Унинг кўнгил торлари жуда нозик, болалар қалби каби туйғулари озода, ҳислари капалак қанотидек беозор, гўдак нафасидек тоза. У катта шоирлик даъвосини қилмайди, лекин улкан юраги, шоирона қалби бор.

Шириннинг шеърларига улғайиш, руҳияти ва шуурига камолот тилаймиз.

УДК: 821
КБК 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-25-123-5

© Ширин Шукурова, 2012,
«Мухаррир нашриёти», 2012.

ВАТАНИМ МЕНИНГ

Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 20 йиллигига

«Юксак маънавият – енгилмас куч»дан.

Мозий тарафларга синчиклаб боқсам,
Юртим, сен чекмаган бир оҳ қолмабди,
Сен ичингга ютган изтиробларга
Туташиб кетмаган бир роҳ қолмабди.
Мозийлардан ғолиб Ватаним менинг,
Ёғийлардан ғолиб Ватаним менинг.

Мустабид тузумда, мустамлакада,
Қарши мафкуралар этилди талқин.
Дилингга ёт бўлган сафсата билан
Қадр ва қимматинг топталди, халқим.
«Ватаним» деганнинг тили кесилгач,
Озодлик! деб қўрқмай айтоларди ким?!

Туткунлик даврида, қуллик даврида
Эрксизлик қаърида бизлар ким эдик?
Ифтихор оқ олтин бўйнимизда дор,
Ўзгаларга боқиб, қора нон едик.
Темурни қоралаб, Бобурни булғаб,
Ҳар тонг биз кимларга ассалом дедик?

Миллий ғуруримиз – шаънимиз ерда,
Урф-одат тупрокда йиллар ётди хор.
Улуғ аجدодларнинг олтин мероси,
Уввос солди битта баҳодирга зор.



«И» ҲАРФИГА БАҒИШЛОВ

Ижодимнинг ибтидоси изтиробдан иборат,
Илоҳимнинг илтифоти ишқим ичра ижобат.
Иложсизман ихтиёрсиз, интиламан идроксиз,
Инкор ишқим илтижоси ишончимга иноят.

Иддао инжуларим ислоҳоти иморат,
Интизорлик ифодаси — ишорасиз итоат.
Илинжларим имдод илло истамасман ишғолин,
Инқирозда илҳақдирман интиқ излаб иқболин.

Иғволарнинг исканжаси ичра инсон измсиз,
Истиснога интиламан иқрорингман исмсиз.
Издиҳомнинг изоҳига истамайман ижозат,
Иқтидорим имконида илдамлайди ибодат.

Иштибоҳим, иштиёқим, интизорим, илҳомим,
Интиҳосиз ишқим ила изоҳсиздир изҳорим.
Илоҳимнинг инъомидир интизомим инқилоби,
Иродасиз идрокимдир, исботсиз изтиробим.



МУДОМ ЁШ

Мудом қайғу, мудом ёш,
Мудом армон эгар бош.
Агар бахтинг шу бўлса,
Яна ёрил, ёрилтош.
Мудом кулгу, алёрлар,
Мудом ҳаёт – ўт бебош.
Ва оз қолар бу бардош.
Мудом кўзда қалқир ёш,
Ҳамон заҳар томган ош.
Мудом дунё дардини
Сезиб йиғлар харсанг тош.
Дарё урар бошини
Мудом қумли қирғоққа.
Мудом виждон солади
Мунофикни кийноққа.
Мудом муҳаббат мангу,
Меҳр – тенги йўқ наққош.
Фақат ёлғон дунёда
Адолатга эгдим бош.



ЙЎЛЛАР

Йўллар олис, йўлларнинг ҳеч охири йўқ,
Йўллар олис йўловчилар аҳли кўпдир.
Йўллар, йўллар, йўллар: дея шеър битаман,
Лек йўлларнинг шеъримга ҳеч дахли йўқдир.

Манзил олис, ярим йўлда овворамен,
Гўр азобин кўриб ўзим вайронамен.
Қоронғуда англолмаган тўсиқларим,
Кундузида кўриб яна ҳайронамен.

Тўғри, йўллар охирига етиш мумкин,
Орзуларнинг қанотида учиш мумкин.
Бир нарсани аниқ билдим, азизларим,
Битта йўлдан икки томон кетиш мумкин.



СИНГЛИМ КУМУШГА

Бугун нега ғамгинсан,
Нега кўзларингда нам.
Яна кимдан аразда?
Менинг азиз сингилчам.

Кўйгин хафа бўлмагин,
Араз сенга ярашмас.
Аразлаган қизларга,
Йигитлар ҳам қарашмас.

Айтган бу сўзларимни,
Сен кўнглингга олмагин.
Бунча тергайди дея,
Хафа бўлиб юрмагин!

Тўғри, гар аразласанг,
Ҳамма сенга меҳрибон.
“Манавни кий, буни е”,
Дея ҳамма киргиттон.

Менам асли аразни
Жуда яхши кўраман.
Ҳея кимга сездирмасдан
Аразлаб ҳам юраман.

Лекин бир ҳақиқат бор
Дилдан ўтмас бир баёт:
Кулиб қарасанг фақат,
Кулиб қарайди ҳаёт!

БАҒИШЛОВ

Кўз олдимда чехранг, ёдимда ўзинг,
Хаёлимдан кетмас меҳрли кўзинг.
Соғинчим ортмоқда мен беқарорман,
Сенинг ҳижронларда қароринг йўқми?

Бир жавобни ёзмоқ шунчалар оғир,
Бу оғир азобдан йиғлайди ёмғир.
Эй бедил, раҳмсиз, эй сен тошбағр,
Дилингда ишқ деган шароринг йўқми?

Ҳижрон жадвалларин тузарсан тинмай,
Бори ришталарни узарсан тинмай,
Мен шунча соғиндим бир кунда кўрмай,
Эй ҳижрон! Васл отлиғ савобинг йўқми?

Азизим, дилимда бир дунё ғулув,
Атрофингда қизлар, сулувдан сулув,
Саволлар тўкилар кўзимдан дув-дув,
Ширинга бир аччиқ жавобинг йўқми?



ОЛЛОҲ БЕРГАН ЖОН УЧУН

Тарих бунда қилди жанглар,
Бек-у, шоҳлик, хон учун.
Сангзорлардан окди қонлар,
Гавҳар тўла қон учун.

Ларзалардан йиғлар осмон,
Не сабаб ҳоқон учун.
Шунча жанглар: Борми манфаат,
Фоний бир инсон учун.

Асрий замон қолмоқ учун,
Кечдилар бунда кўп қон.
Хайҳот, унда топилмади,
Бир сулҳки, имкон учун.

Неча бунда жанг қилурлар,
Бебақо дунё учун.
Берди илкдан, олди қўлдан,
Муваққат ул шон учун.

Гўристонга айланди бу,
Азим шаҳар, дунёлар.
Мунча башар бўлар илҳақ,
Оллоҳ берган жон учун.

Шунча дабадаба шартмикан
Бир лаҳза, бир он учун!

МУСАВВИР

Армон суратини чизар мусаввир,
Ҳижрон суратини чизар мусаввир.
Юрагини тинглаб, дунёни англаб
Исён суратини чизар мусаввир.

Илҳом жозибаси айлар уни лол,
Изтироб шитоби этсада беҳол.
Қаламни қонига ботириб, айтар,
«Шошил эй, тулпорим, қани чиза қол!»

Қайғу нигоҳидан нигоҳин узмас,
Хасрат товоғида бахт ошин сўзмас,
Минг йилки ҳижронда яшайди, лекин,
Ҳеч қачон дийдорнинг режасин тузмас.

Кўринмас қўллари доим бўйнида,
Заҳарли илондек мудом қўйнида,
Бир маъс қўшиққа ўхшайди умри,
Бир қайғу яшайди унинг кўнглида.

Армон суратини чизди мусаввир,
Ҳижрон суратини чизди мусаввир.
Қароғида ёшлар уммонча бўлиб,
Санъатдан ҳам кўнглин узди мусаввир!

Армонла йиқилди сурат олдида,
Йиқилди мангуга чексиз оҳ билан.
Қўлларида қолди оппоқ бўш қоғоз,
Лекин ўртасида қора доғ билан...



ОНАЖОН

Ўтириб шеъримга мавзу қидириб,
Ўйлайман нимани баён этмабман.
Учраган ҳар нени шеъримга солиб,
Ҳатто ишқ мавзусин ташлаб ўтмабман.

Ўзимча ўзимдан кўнглим бўлиб тўк,
Бир шеърлар ёзибман дунга қилиб дўк,
Менам шоирманми, мен ҳам фарзандми?
Волидам ҳақида битта мисрам йўк.

Онажон, бир дунё дostonлар ёдлаб,
Сизга бир тўрт қатор шеърни айтмабман.
Ўзимча хаёлда шеърларни бошлаб,
Шаънингизга битта сўз ҳам битмабман.

Оналар шаънига энг улуғ сўзлар,
Не шеърлар битилди мисли олов, чўғ.
Ким қандай дostonлар битмасин, аммо,
Меҳрингиздан устун ҳеч бир нарса йўк.

БОБУРНИНГ КЎЗ ЁШИ

Фақат биз қилмаймиз бунга эътибор,
Булоқлар жимгина туриб йиғлайди.
Унинг кўзидаги нола ўкинчи
Юракда хасрати борлар илғайди.

Шодон кўринсада асли булоқча,
Ахтарар ўзига муносиб бир жой.
Кимдир ундан қониб сув ичадию,
Кимдир кўзин ёпиб кетар ҳойнаҳой.

Ҳазрати Бобурнинг кўз ёши каби
Югурар булоқча шиддати билан,
Сезади, албатта, бўлади тўфон,
У бунёд айлаган давлати билан.

Ҳиндикуш боғлари бўлади маскан,
Ўзанин излаган ўшал булоққа.
Нега охир мажбур юртини ташлаб,
Нечун кутар бу кун ундан узоққа.

Оламни асрлар ларзага солиб,
Бир ажиб ҳасратга етмас бардоши.
Булоқлар аслида оби-ҳаётмас,
Шоир шоҳ Бобурнинг кўзидаги ёши.



ЙЎҚОТИЛГАН ИШОНЧ

Ишонч йўқолди!
Йўқолди мангу.
Хўш шу ишончга
Кимдир зормиди?
Ҳайратда киноя,
«Битта ишончми?!»
Оламшумул гапга,
Бўлган у сабаб.
Сабабни илдизин,
Ахтариб кимдир:
Сўради:
«Йўқолмасдан олдин,
Ўзи бормиди?!»



КУЛИБ ЮРИНГ

Кулиб юринг, ушбу ҳаёт кулгу учун,
Мунаввар тонг, ёрқин кеча кулгу учун,
Кўздан оққан марваридлар, ғамлар нечун,
Кулиб юринг, ушбу ҳаёт кулгу учун.

Кулинг, ойдек чехрангизда ёнсин қуёш,
Оҳангини булбуллар ҳам тинглаб ювош,
Кулгу асли ғамингизни айлабди фош
Кулиб юринг, ушбу ҳаёт кулгу учун.

Дил беғубор, кун беғубор, кўзлар хумор,
Қалбга севинч нашидаси бўлиб тумор,
Кунингиз ҳам, тунингиз ҳам кулгу бозор,
Кулиб юринг, ушбу ҳаёт кулгу учун.

Кулинг ҳатто кўзларга ёш тўлганда ҳам,
Юракдаги сўнгги умид сўнганда ҳам,
Кулинг, сиздан душманингиз кулганда ҳам,
Кулиб юринг, ушбу ҳаёт кулгу учун.

Кулинг сизга кулганларни куйдиргали,
Кулгу билан суйганларни суйдиргали,
Баъзиларга аламларни туйдиргали,
Кулиб юринг, ушбу ҳаёт кулгу учун.

ШОИРЛАРГА

Шоирларга осон ўйлар одамлар,
Шоирлар тайинсиз, шоирга ғам йўқ.
Шоирлар оввора ўзлари билан,
Айтолмаган унда қанча андуҳ кўп.

Шоирларга керак қоғоз-у қалам,
Шеърларин дард ила тўкиб сочади.
Тўкиб сочадимас, қилади алам,
Ахир уни саёқ ит ҳам қопади.

Фақат шу шоирлар бедор тунларда,
Уйқуни ёнидан ҳайдаб солади.
Хаёлларда санғиб ўтади куни,
Баъзида ҳаётдан дашном олади.

Шоирга керакмас пул, бойлик, мансаб,
Ёлғиз суянчиғи илҳомбахш санам.
Илҳом керак бўлди, ўтирмас қараб,
Фарқи йўқ ғорми ё кулба бўлса ҳам.

Шоирларга даркордир зангламас сабр,
Яшайди аслида ўзга дунёда.
Фоний дунё кўрки унга беқадр,
Ҳар бир мисрасида қалби ифода.

Шоирга керак улкан матонат,
Қидирар дунёдан фақат адолат.
Уни шеър ёзишга даъват этади,
Шу ватанга бўлган чексиз садоқат.

Бир кечада бутун дафтари тўлса,
Ҳеч ким шоирларга мушкул-ку демас.
Шеърни ёзиш шундай оддий иш бўлса,
Неучун ҳамма ҳам зўр шоир эмас?

БЕҚАРОРИМ

Авваллари беозорим,
Энди бўлса дилозорим.
Кимга сўзлай бу ғуборим,
Дилозорим, дилда борим.
Дилдан суйган ёлғиз ёрим.
Ширин ёлғонмикан золим:
Хаёлинг-ла ўтган оним?
Орзулари беғуборим,
Сен-ла қалбда йўқ ғуборим.
Севги куйин чалган торим
Узилди-ю, қолди зорим.
Дилда пайванд қалб туморим,
Қаро кўзлари хуморим,
На бир хат ва хабар борим,
Изсиз йўқотган туморим.
Жангсиз майдонни тарк этган,
Жасоратсиз беқарорим!



СОҒИНАМАН

Хаёлимда манзили йўқ йўллар қараб,
Осмонлардан мадад кутиб овунаман.
Орзуларим сароблигин билиб туриб,
Сизни яна, яна сизни соғинаман.

Кеч кирганда қуёш билан уфққа ботиб,
Тунлари ҳам юлдузларга маънос боқиб.
Саҳар чоғи ул мусаффо тонгдек отиб
Ойдан сўраб, сизни яна соғинаман.

Дилимдаги аламларим ичга ютиб,
Сўнаётган орзуларим қайта тутиб.
Ишончим оз, бироқ сизни жуда кутиб,
Дардларимни шеърга битиб соғинаман.

Соғинаман, тинглаб армон наволарин,
Сўзлолмасдан муҳаббатнинг нидоларин.
Қалбим кечди мендан, айтиб видоларин,
Руҳим ҳалак, сизни ҳамон соғинаман.

Соғинаман зардобларга тўлган дилим,
Сўзсиз қотган оташида куйган тилим.
Мангуликнинг уммонига отиб кўнглим,
Бу дунёда йўқман гарчи, соғинаман.

УЧРАШДИК

Учрашдик... чақмоқдай чақнаб нигоҳлар,
Қалбимиз ёритди ишқнинг шуъласи.
Севгимизга йўлдош – ёмғир гувоҳлар,
Энди тинчлик бермас юрак ноласи.
Қалбимга жо бўлдинг, яшайсан мангу,
Муҳаббатинг билан, олис осмоним.
Ошиқ бу кўнглимга соласан қайғу,
Ўзингсан беғуноҳ, ёзинг ёмоним.
Сенсиз ёлғизликнинг қисмати аро
Зулматга малика, армонга шоҳман.
Гўзал бу туйгудан ҳаётим қаро,
Аламли ҳижронга ўзим гувоҳман.
Ҳаётсан ягона севгим боғида,
Хазонга айландим ишқнинг доғида.
Хаёлсан бегона менга гоҳида,
Ёлғон хаёлларга чўмиб йиғлайман.
Айрилдик... юлдуздек сўнди нигоҳлар,
Ёшларимга кўприк киприк толаси.
Энди ҳасратимга улар гувоҳлар,
Зулматга асирдир севгим шуъласи.
Ширин хаёлимдан аччиқ хотира,
Қўлларимда қолди бир даста гулим.
Қабрингнинг бошида унсиз йиғлайман,
Яшайман сен учун! Келгунча ўлим...

ЁЛҒИЗЛИК

Мен ёлғиз эмасман, ёлғиз эмасман,
Ҳамиша ёнимда ғалати ҳамроҳ.
Мени таъқиб этар, бемажол этар,
Кетмайди қаршимдан бу сирли гумроҳ.

Ётади, туради мен ётсам, турсам,
Йиғлайди аламдан ногоҳ бир кулсам.
Нега кўролмайди тинч ҳаётимни,
Балки у ҳам кетар, бир кунни ўлсам.

Ўлиб ҳам қутулмам бу мавжудотдан,
Қандоқ қилай ахир ғазабга тўлсам.
Жаннат ё дўзахнинг дарвозасида,
Ажабмас мен уни ёнимда кўрсам.

Кетишин сўрайман ёлвориб ундан,
Қайтарар гапимни қилиқлар қилиб.
Отаман у томон илинган хасни,
Фақат тўғри йўлни шугина билиб.

Ураман, ҳайдайман ёнимдан тинмай,
Дўқ уриб бақирдим, лек ғалат туйғу.
Бу бўш деворлардан акс-садо келар,
Ва қаршимда турар чил-парчин кўзгу.



БАРЧА МАЛИКАЛАР БАХТГА ЕТСАЙДИ!

Мен шеър битарман юрак юракдан,
Муштоқ кўнгилларга мадад бўлсин деб.
Умидим гуллари униб қайтадан,
Оллоҳим дардларга шифо берсин деб.

Дунё кўз ёшларин мисрага битиб,
Оқ қоғозлар майли ёниб битсайди.
Ё бўлмаса оппоқ қушлар мисоли,
Узоқ-узоқларга учиб кетсайди.

Андухлар қалбларни тарк этиб чиндан,
Осойишта ҳаёт ҳадя этсайди.
Андухлар кўз ёшдек тўкилиб дилдан,
Барча МАЛИКАЛАР бахтга етсайди.



МАЙМУНЛАР АЙТАР БОЛАСИГА

Она маймун кулиб ўз боласига:

Деди: “Бунча битлаб юрасан болам?”

Бола маймун кулиб ўз онасига:

Деди: “Қорним очса ейманда, онам!”

Ота маймун йиғлаб болажонига:

Деди: “Нега шунча кирлаб юрасан болам?”

Маймунча қашиниб отажонига:

Деди: “Кирлар увол кетади, отам”.

Ота-она деяр ўз боласига:

Бу хислатлар кимдан меросдир, болам?

Маймунча ўйланиб турди-да бироз:

Қонимда бўлса гар нетарман, онам!



МАНГУ ОРОМ

Дунё сира қилмас шафқат,
Менинг гулгун ёшимга.
Не балолар солар яна,
Савдо тўла турган бошимга.
Ажаб зарра парвойи йуқ,
Кўздан оққан ёшимга.
Мен бол сўраб борсам агар,
Оғу солар ошимга ошимга.
Балки, қайдам, бу ҳам синов,
Бу метин бардошимга.
Баъзан дейман... “Бундай шеърлар,
Ярашмас ҳеч ёшимга”.
Нетай чора йўқдир асло,
Ўтдим ғамнинг давонин.
Бас қиларман балки топсам,
Мангу ором маконин.



ЖАВОБСИЗ СЕВГИ

Ким учун гўзалдир азобсиз севги.
Ким учун оташда ёнган туйғулар,
Нафис севги куйин чалган кулгулар,
Лек мен учун дунё ичра йўқ тенги,
Дунёда гўзалдир жавобсиз севги.

Ёлғизлик қасрининг зулматиаро,
Ўзинг маликасан, бир ўзинг шоҳсан,
Оппоқ орзуларда гуллаган боғсан,
Қалби етим... лекин юраги тоғсан,
Умидлари сарсон... жавобсиз севги.

Ўзинг куласан-у, кўнглингда доғлар,
Сени тушунмайди юраги соғлар,
Соядек эргашиб юрар армонлар,
Кимга муҳаббатинг экан арзонлар,
Сенчун дунёга тенг жавобсиз севги?!

Оламга адашган хато – сиз севги,
Ўргимчак тўрида адо – сиз севги,
Сароблар қаърида садо – сиз севги,
Жавобсиз севги бу
Жавобсиз севги!



КУТИШ ҲАМ БИР БАХТ

Кутмоқ сўнгсиз азоб экан,
Тақдир каби олмоқда хун.
Бегубор бу хаста дилни,
Аждар мисол ютмоқда тун.
Интизорлик муҳим бир тахт
экан унга кўниккан кун.
Сабр ила қилдим бир ахд,
Майли, мангу кутмоқ учун.
Муваққат тун ўтар кетар,
Ўшал тилак сочар учкун.
Менинг бахтим келар қайтиб,
Мен умидга ишонган тун.
Қўлида соз алёр айтиб,
Умидларим ушалган кун.



МАҒРУР БОШИМ ЭГИБ СЕВДИМ

Қаро қошингизга бўлмай маҳлиё,
Ширин сўзингизга бўлмай маҳлиё,
Фақат қалбингизга бўлиб маҳлиё,
Юрагимга ғамни экиблар севдим.

Турсамда олисдан қошларим кериб,
Юрардим аламнинг маржонин териб,
Охири юрагим музлардан эриб,
Мағрур бу бошимни эгиблар севдим.

Ўн саккиз баҳорим алангасида,
Кўнглимнинг энг хилват гўшангасида,
Пойингизда бахтнинг кўланкасидай,
Бошим пойингизга тегиблар севдим.
Шаҳзодам, бошимни эгиблар севдим.

МЕН КУЙИБ КЕТДИМ

Бағишлов

Ёшли кўзингизга термулиб кетдим,
Юрагим сел бўлди, лек кулиб кетдим.
Бу олис йўллардан минг бор қайрилиб,
Бағримдан сизларни мен юлиб кетдим.

Дилимнинг тўрида тош билан кетдим,
Тошбўрон дастидан ёш билан кетдим.
Умримнинг куз фасли, ёмғир чоғида,
Бардош билан кетдим, бардош билан кетдим.

Хиёнат ҳукмрон бахтим тахтига,
Кўксимга армонни мен уйиб кетдим.
Ва бу кун азобда, чорасизликдан,
Дилбандим касридан мен куйиб кетдим.

Хатойим фарзандга ишонганимми?
Улғайди бахтим деб қувонганимми?
Қайтарма! деб айтиб умрим хатосин
Гуноҳсиз гуноҳкор ном олганимми?

Олислаб боряпман ўйлайман бироқ,
Яна шу даргоҳга қайтармиканман?
Менинг мунисларим, жоним қизларим:
Бахтли бўлинг дея айтармиканман?

Кетяпман, узоқмас аммо бу фироқ,
Қалбимга таскиндир умидим – чироқ!
Яна бағрингизга қайтишим учун,
Афсус, бугун ташлаб кетяпман бироқ.

ҚАРАНГЛАР, ЁЛҒИЗИМ – ҚИЗИМ КЕЛЯПТИ

Шуурни тарк этар энг сўнгги идрок
Отанинг жисмидан жони чиқяпти.
Лекин, кўзлари-чи, умид-ла титраб,
Айтади, “Қаранглар қизим келяпти”.
Узатилган қиз-чи палаҳмон тоши,
Ҳеч қачон қароғи ёшга тўлмасин.
Нима бўлса бўлсин ирмоқнинг боши,
Падари уйида аза бўлмасин.
Йиғлайди, ёшлари юрак бағрида.
Қиз болага қийин, энди нарида,
Кўрсатмас аламли дардини асло,
Соғинчин яширар уммон қаърида.
“Отажон, кечиринг бўлдингиз армон,
Афсус, қилолмадим ҳеч қандай имкон.
Қанча қоврулмайин алам доғида,
Розилик оларман маҳшар чоғида”.
Шуурни тарк этар энг сўнгги идрок,
Кўзида энг сўнгги нури кетяпти.
Лекин..кипригида охириги титроқ:
“Қаранглар, ёлғизим-қизим келяпти?!”



СИЗГА БЎЛГУМ АРМОН, СЕВГИМ!

Армон севгим, ёмон севгим,
Ноҳақликда тамом севгим.
Оҳ, бу ишқнинг шаробидан
Мени қилди яксон севгим.

Оловида ёниб-ёниб,
Кўз ёшларга қониб-қониб.
Муҳаббатдан яна тониб,
Ақлим қилди ҳайрон севгим.

Чўққиларда жайрон севгим,
Дарё севгим, уммон севгим.
Кўзларимни ёшласангиз,
Сизга бўлгум армон севгим.

Арзон севгим, ёлғон севгим,
Ишончлардан қолғон севгим.
Иродасиз у қўлларда,
Яшар ғариб, ҳамон севгим.



ТОНГ ОТИШИ ҚИЙИН ЭКАН

Ҳижрон деган ғубор билан,
Армон деган тумор билан.
Юрак деган бемор билан,
Орзулар бир тийин экан,
Тонг отиши қийин экан.
Алам билан, араз билан,
Қалам билан, фараз билан.
Юракдаги ғараз билан,
Орзулар бир тийин экан,
Тонг отиши қийин экан.
Тунни танҳо юлдуз билан,
Охири йўқ кундуз билан,
Дилга йиғилган туз билан.
Орзулар бир тийин экан,
Тонг отиши қийин экан.
Қалқиб турган ёшлар билан,
Отилмаган тошлар билан.
Чимирилган қошлар билан,
Орзулар бир тийин экан,
Тонг отиши қийин экан.
Дилда дашном дардлар билан,
Қуёш кўрмас гардлар билан.
Бу бевафо номардлар билан.
Кун ботиши қийин экан,
Тонг отиши қийин экан.

ЁШЛИК

Олтин япроқлари тўкилган йўллар,
Совуқ куз ҳавоси, юрибман кезиб.
Беғубор ёшлигим, сени соғиндим,
Ҳасратда вақтнинг тез ўтганин сезиб.
Қайси хотиралар йўқолди тилдан,
Ва яна кимларни ёдга солмайман.
Лекин қайсисидир чиқмайди дилдан,
Шунча ҳайдасам ҳам чиқаролмайман.
Қум соат кумини тўқади тинмай,
Қанийди лаҳзага тўхтаб қолсайди.
Майлийди ҳозирги кунимни билмай,
Беғам болалигим ёдга солсайди.
Қувонч-ла сойдаги бир томчи бўлиб,
Тўхтамай ҳовлида яйраб оқардим.
Ёзнинг жазирама қуёш нуридай,
Ўз она шаҳримга узоқ боқардим.
Бугунги куним ҳам кетмасин бекор,
Балки кўкда ботар ёруғ бу ҳилол.
Ғанимат ёшлик – бу қайтмайди зинҳор,
Олтинга тенг давр айламанг увол...



СОТИЛАДИ

Битта қўшним сотди чойнагин,
Бошқа қўшним эса қўйлагин,
Эски-туски бозор бу дунё,
Мен буларни кўриб узоқ ўйладим:
Сотияпти яхши, ёмон,
Чекловларга ўрин йўқ,
Олди-қочди савдо билан,
Сотувчилар қорни тўқ.
Сотияпти кўрга ҳасса,
Сотияпти ҳатто буйрак.
Юрагим йўқ десангиз, бас
Топиб беришади юрак.
Сотияпти кичик бурун,
Оҳуда йўқ шаҳло кўз.
Техника хўп ривожланган,
Ўзгаряпти ҳатто юз.
Олди-сотди ҳамма нарса,
Виждон пулнинг тутқуни.
Ажабланмам мунофиқлар,
Юртин сотса бир куни.
Худо билмас одамларнинг,
Қилиғидан қотаман
Кеча эълон осиб қўйди:
“Мен ўзимни сотаман!”



ЗАЙНАБ ФАРЁДИ

Аччиқ тақдир мени бахтга зор этди,
Гўзал севги йўлларида хор этди.
Дунёларни кўзларимга тор этди,
Айтинг ахир мен йиғламай найлайин?

Гуноҳ қилдим, тўғри йўлдан адашдим,
Аросат-ку этган кўнглим бетайин.
Иложсиз мен бахтим учун талашдим,
Кўз ёшим сел бўлди, лекин найлайин?

Зулмат мени алам билан сеҳрлаб,
Кулфат менга кулди, мудом таҳқирлаб.
Мен Кумушни, Кумуш қалбим заҳарлаб,
Ўтди, буям тақдир экан найлайин?

Ойим учун Кумуш мендан азиздир,
Бегим учун Кумуш мендан азиздир,
Дунё учун Кумуш мендан азиздир,
Севилмаслик дунёсида найлайин?



ОЧИҚ ЧЕХРА

Марварид ахтарар экан инсонлар,
Ахир шўнғиш керак уммонга.
Дунёлар алмашар ва лекин, аммо
Мажлисида сўз берманг аҳли нодонга.
Ўғрилиб тушади юзингга томчи,
Агарда тупурсанг узоқ осмонга.
Ҳеч қачон барака бермайди Оллоҳ,
Ўғирлаб тўпланган улкан хирмонга.
Халойиқ, қўшилманг зардан бўлса ҳам,
Сарбонсиз, йўлдаги улкан қарвонга.
Етти юз бор ўлчаб ишонинг, бироқ,
Ҳеч қачон ишонманг даври давронга.
Хаётдан завқланиб яшангу ҳар он,
Айлантира кўрманг уни зиндонга.
Ҳуда беҳудага қадамлар босиб,
Кўнгилни тўлдирманг сўнгсиз армонга.
Ўзингиздан келган ғамчун биродар
Нафрат сочаверманг зайлу замонга.
Дунёда бахтиёр яшамоқ учун,
Очиқ чехра билан қаранг жаҳонга!



ЙЎҚ

Кўнгил кўлмак – туби йўқ,
Юракларнинг дарди кўп.
Дардга дармон тополмай,
Кунда санчар янги ўқ.

Қаро туннинг оyi йўқ,
Қаро ранги бунча тўқ.
Қорамтир бу дунёда,
Орзу юрар қалби чўғ.

Кунлар ўтар эзилиб,
Ажин қолар сезилиб.
Гавҳар ичра ғам алам,
Боқсанг: турар сузилиб.

Мовий денгиз сингари,
Оқар туби йўқ армон.
Ҳижронга маскан ҳаёт...
Қайда бордир бир нажот!



ФЕЪЛ ҲАҚИДА ШЕЪР

Иш-ҳаракат маъноларин билдирар, қўшимча “-моқ”,
Ифодалар ҳолатларни: севмоқ, ёнмоқ ва қуймоқ.

Морфологик жиҳатлари: даража, майл, замон.
Суйган юрак ўртанмоқда, айтолмаган у ҳамон.

Вазифаси асли кесим, тусланар у шахс-сонда,
Куйдим, билгин, фироқингда, азоб учқунлар қонда.

Навбат келди, мана энди: ўтимли, ўтимсиз феъллар.
Хатни ёздим, сизга етди, бедордир энди диллар:

Англа! Сифатдош, ҳаракат номин,
Оқаётган муҳаббат қонин.
Мен севмоқни орзу қилиб,
Тўлдираман кўз ёш жомин.

Кейингиси билгин савоб,
Равишдош дея қилинар хитоб.
Ўйлайман ёзган мактубга,
Келаркан зардали жавоб!

Англашимча, феъллар бари
Бўлишли, бўлишсиз экан.
“Узр, ёнманг фироқимда,
Сизни мен севмайман”, деган.

На кулишни, на йиғлашни,
Билмайман, ҳаммаси бекор,
Дилдан ёзган у номамни
Қилибди ярамас инкор.

Тушунмайман, бўрттирма-ю,
Аниқ, мажхул нисбатларга,
Ўзлик, бирлик, ортттирма-ю,
Севилмаган қисматларга.

Нафратланмоқ, кечмоқ ундан,
Содда феъллар бўлар охир.
Ташлаб кетдим дейилганда,
Қўшма феъллар бўлар зоҳир.

ИШЧАН КУМУШХОНИМ

(Ҳазил)

Кумушхонга саҳар чоғи,
Ғайрат “акам” келиб қолди.
Янги йилми бўлиб чоғи,
Илҳом акам “қўлга олди”.
Аразлаган ундан шунча,
Жасур акам йўлга солди.
Кўкдан тушган жасоратга,
Уйда ҳамма ҳайрон қолди.
Танимаган супургисин,
Излаб топиб қўлга олди.
Иш қолдирмай ҳаммамизга,
Чаққонбиби бўлди-қолди.
Чин дўст бўлган чангларини
Битта қўймай ҳайдаб солди.
Ҳайдалган у бечоралар,
Тушунмайин ўйга толди:
Шунча яшаб юрган эдик,
Энди биздан нима қолди?
Қадрдоним ўргимчаклар,
Барчалари уйсиз қолди.
Тўрт томонга тарқалишиб,
Юрагига армон тўлди.
Холажоним Озодага
Кумушжоним шогирд бўлди.
Меҳмон кетгач Кумуш ойим
Ҳаммамиздан раҳмат олди.
Тоза-тапат Шириной ҳам,
Кумушнинг чангида қолди.

МУНДАРИЖА

Ватаним менинг	3
«И» ҳарфига бағишлов	5
Мудом ёш	6
Йўллар	7
Синглим Кумушга	8
Бағишлов	9
Оллоҳ берган жон учун	10
Мусаввир	11
Онажон	12
Бобурнинг кўз ёши	13
Йўкотилган ишонч	14
Кулиб юринг	15
Шоирларга	16
Бекарорим	17
Соғинаман	18
Учрашдик	19
Ёлғизлик	20
Барча маликалар бахтга етсайди!	21
Маймунлар айтар боласига	22
Мангу ором	23
Жавобсиз севги	24
Кутиш ҳам бир бахт	25
Мағрур бошим эгиб севдим	26
Мен куйиб кетдим	27
Қаранглар, ёлғизим – қизим келяпти	28
Сизга бўлгум армон, севгим!	29
Тонг отиши қийин экан	30
Ёшлик	31
Сотилади	32
Зайнаб фарёди	33
Очиқ чехра	34
Йўк	35
Феъл ҳақида шеър	36
Ишчан Кумушхоним	38

Адабий-бадиий нашр

Ширин ШУКУРОВА

БАХТ МАНЗИЛЛАРИ

Муҳаррир:
Акрам Деҳқон

Техник муҳаррир:
Файзулло Азизов

«Муҳаррир» нашриёти
Лицензия: АІ № 099.2008 йил 24 март

Теришга 2012 йил 12 июлда берилди.
Босишга 2012 йил 23 июлда рухсат этилди.
Бичими: 84x108 1/32. «Virtec Times» гарнитурасида
офсет босма усулида офсет қоғозида босилди.
1,25 шарт.б.т. 2,1 ҳисоб нашр.таб.
Адади 1000 нусха. 89-сон буюртма.

«Муҳаррир» нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.
100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй
E-mail: Muharrir@list.ru



**Шукурова Ширин Ғофур
қизи 1992 йил 14 августда
Сирдарё вилояти Сайхун-
обод туманида туғилган.**

**Тошкент Давлат юридик
институти талабаси.**

ISBN 978-9943-25-133-5



9 789943 251335